**2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ**

*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

2024 йил
29 ноябрь,
жума
№ 51 (1033)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.***

Мамлакатимизда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдонлари бор. Уларда, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқлари учун хомашё етиштирилмоқда. Охирги йилларда пахта ва ғалла майдонларидан 260 минг гектар деҳқончилик учун ажратилган. Энди яна 104 минг гектар берилиши мўлжалланган.

Бу йил озиқ-овқат экспорти ўтган йилга нисбатан 370 миллион долларга кўпайиб, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди. Биргина гилос 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Экспорт Қорақалпоғистон ва Жиззахда 2,2 баробар, Хоразмда 1,8 баробар ва Сурхондарёда 1,6 баробар кўпайган. Лекин айрим вилоят ва туманларда ўзгариш сезилмаган. Масалан, ери кўп бўлган Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятидаги ўсиш уларнинг имкониятига мос эмас. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида экспорт ўтган йилга нисбатан камайган.

Юртимизда 5 мингдан ортиқ қишлоқ маҳалласи бор. Туман марказлари ва шаҳарларда яна 2 мингдан кўпроқ маҳаллаларги хонадонлар томорқага эга. Лекин атиги мингта маҳаллага кўчат тарқатилиб, маҳсулотни сотиб олувчи тадбиркор бириктирилган. 26 та туманда томорқа хизмати йўлга қўйилмаган. Баъзи жойларда деҳқонларга сифатсиз уруғ сотилгани туфайли маҳсулот йўқотилган.

Шу боис ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ходими бириктирилиши белгиланди.

Томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва дарахтлар экиш учун яхши имконият. Энди бу ерларнинг аниқ ўлчами тасдиқланиб, "Агроплатформа"га киритилади. Аҳоли ва фермерлар сифатли уруғ танлаш, дори ва ўғитни тўғри қўллаш, маҳсулотни сифатли сақлашга ўргатилади.

Бу саъй-ҳаракатни рағбатлантиришга катта енгилликлар берилади. Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингида қўшимча балл ҳисобланади, ички фитосанитар сертификати бир йил давомида бепул берилади. Фермернинг барча ерлари учун ер солиғини икки йилга бўлиб тўлашга рухсат этилади. "Оилавий тадбиркорлик" дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалашган тизимда ажратилади. Дала четлари ҳисоби, етиштирилган маҳсулот ҳажми "e-Fitouz" портали орқали назорат қилиб борилади.

Маҳаллалардаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофида 10 миллион туп узум экиш ташаббуси билдирилди. Улар ўсиб, ҳосилга киргунча Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши барча агротехник тадбирларга кўмаклашади. Маҳсулотларни сотиб олиш учун маҳаллалар экспортчи корхоналарга боғланади.

Йиғилишда мева-сабзавотларни қайта ишлаш масаласи таҳлил қилинди.

Пишиқчилик даврида нарх тушиб кетиши оқибатида карам, лавлаги, пиёз каби маҳсулотлар далада қолиб кетаяпти. Бу йил тарвузнинг ҳам катта қисми йиғиб олинмади. Ҳолбуки, эҳтиёждан ортган маҳсулотни қуритиб, кукун шаклида экспорт қилиш мумкин, бунга қандолатчилик корхоналарида талаб катта.

Экспорт йил давомида бўлиши учун "шок" усулида музлатиш технологияси самарали. Шу боис қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимларига келаси йил шундай лойиҳаларни ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, 10 та агрологистика маркази, мингдан ортиқ совуткичли омборхона ташкил этилади. 40 минг гектардан ортиқ саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этилади.

Маълумки, жаҳон бозорида органик маҳсулотлар нархи 2-3 баробар қиммат. Юртимизда 10 та тумандаги 3 минг 900 гектар майдонда органик сертификат бор, холос. Андижон, Жиззах ва Хоразмда эса, бундай маҳсулот етиштириладиган бирорта ер йўқ.

Ваҳоланки, сув омборлари атрофида пестицид ишлатилмайдиган 2 минг гектар ерда экин етиштириляпти. Фақат уларга органик сертификат олиниб, тоза уруғ ва кўчатлар экилса бўлгани.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ИЖТИМОИЙ ВА ДИНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

***Давлат раҳбарига ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда диний маърифатни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди.***

Ўзбекистон – ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Конституциямизда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Минг шукрки, юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити ҳукм сурмоқда. Барча дин вакиллари ибодат амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Охирги беш йилда диний-маърифий соҳага оид 3 та қонун, 4 та Президент фармони ва кўплаб қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда уларнинг ижроси дин вакилларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Хусусан, юртимиз мусулмонлари учун шароитларни яхшилаш мақсадида 100 дан ортиқ масжид барпо этилди, 555 таси таъмирланди. Диний ташкилотлар учун бино қурилишига ер ажратиш тартиби жорий қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мезон

## Бола ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатли ҳимояси

### *бу борадаги ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда*



***Ҳаммамиз бир пайтлар бола бўлганмиз. Болалик дунёси нима эканлигини яхши биламиз. Яъни киши болалигида қандай тарбия олса, келажакда шундай инсон бўлиб вояга етади. Демак, болаликдаги тарбия, олинган билим инсоннинг бутун умр йўлини белгилайди. Шу боис амалдаги қонунчилигимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилган.***

(Давоми 3-бетда) ▶

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 йиллигига***



## «Биз, Ўзбекистоннинг ЯГОНА ХАЛҚИ...»

***Давлат ва жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Конституциямизнинг биринчи сўзи унинг мазмун-моҳиятини очиқ-ойдин кўрсатиб туради. Чунки бу муҳим ҳужжат "Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи.." деб бошланади.***

Конституциямизнинг ҳар бир сўзида олам-олам маъно бор. Айниқса, унинг муқаддима қисмида мазмун-моҳияти, аҳамияти, мақсадлари аниқ кўрсатиб берилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Конституция ва бола ҳуқуқлари



**Шу кунларда бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжат – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 35 йиллиги кенг нишонланмоқда.**



**Рахшонахон ЗИЁВИДДИНОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ходими*

Ўтган 35 йил давомида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда катта аҳамият касб этиб келмоқда. Шунингдек, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон учун ҳамиша устувор мақсадлар сирасига киради. Чунки аҳолининг 40 фоизига яқинини болалар ва ёшлар ташкил қилган мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан таъминлаш принципиал аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Аввало шуни қайд этиш жоизки, Жиноят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.**

**Бироқ ҳаётда баъзан турли хил тушунмовчиликлар ҳам учраб туради. Мисол учун Зумрад опа Ҳайитмуродова (исм-шарифлар ўзгартирилди) ёши бир жойга борганда, яна ким денг, узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиққан аёл фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбланиб, суднинг қора курсисида ўтиришига тўғри келди.**

**Фарзандлар вояга етиб, харажатлар кўпайгач, З.Ҳайитмуродова ўзига таниш савдо-сотиқ билан шуғулланувчилардан қарзга пулини бўлиб-бўлиб, устама фоизи билан тўлаш шартига келишиб, товар-моддий бойликларини олади.**

*Оқлов!*

## Қарздорлик ҳақидаги далиллар

### АСОССИЗ АЙБЛОВГА САБАБ БЎЛГАНИ ҲАҚИДА



З.Ҳайитмуродова дастлаб 2020 йилда фарзандларига зарур кийим-кечакларни шу тарзда пулини бўлиб тўлаш шарти билан олган, қарзни вақтида узганди.

2022 йилнинг мартидан – 2023 йилнинг сентябрь ойи оралиғида Н.Оқиловадан 1 миллион 650 минг сўмлик кийим-бош, Н.Қодиржоновадан 9 миллион 720 минг сўмлик уй-рўзғор буюмлари, Т.Шодиевадан 10 миллион 50 минг сўмлик кийим-кечаклар, Д.Абдуносировадан 7 миллион 500 минг сўмлик заргарлик буюмлари, Н.Аҳатқуловадан 11 миллион сўмлик уй-рўзғор маиший техника воситаларини ўзаро келишув асосида харид қилади.

Зумрад опа дўкон эгаларига ҳар ойда учрашиб, уч юз-тўрт юз минг, ҳатто баъзида олти юз минг сўмгача тўлаб, қарз дафтарига бу ҳақда ёздириб келаётганди. Аммо З.Ҳайитмуродованинг кутилмаганда чиқимлари кўпайиб, бир неча ой қарзни қайтаролмай қолади. Бошқалар каби Д.Абдуносировадан заргарлик буюмлар учун олинган қарз ҳали узилмаганди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Тарих тилсимлари*



*Аҳмад ШИМШИРГИЛ*

## АМИР ТЕМУР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

### ФАҚАТ САМАРҚАНДМИДИ?

Амир Темурнинг ҳиммати боис нафақат Самарқанд, балки бошқа шаҳарлар ҳам тикланиб, қайтадан ривож топди. Масалан, унинг туғилган макони, ўша пайтда номи Кеш бўлган бугунги Шаҳрисабз ҳам Самарқанддек режа асосида қайта қурдирилган. Шаҳарда масжид, кўприк, йўл, сою ариқлар, бозорлар барпо этилган. Инсон қўли билан мўъжизалар яратилган. Дунёнинг мўъжизаси ҳисобланувчи Искандария маёғи, Бобил қасрлари, Тожмаҳал, Аё София, Салимия обидалари каби мухташам Оқсаройни барпо эттирган.

Бобур Мирзо айтганидек, Оқсарой Кайхисрав саройидан ҳам юксак бўлган. Меъмори – Муҳаммад Юсуфдир. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, "Бундай ҳайбатли бино ҳеч замонда қурилмаган".

(Давоми 4-бетда) ▶

# МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу каби имкониятлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларга 2025 йилда органик майдонларни 10 минг гектарга, келгуси уч йилда 100 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Энди органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. "Органик", "Глобал Гап", "Ҳалол", "Кошер" каби сертификатларни олиш харажатлари учун тадбиркорларга субсидия ажратилади.

Бу йил Ўмон Султонлигининг йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида раста ажратилиб, илк бор гилос, шафтоли ва ўрик экспорти йўлга қўйилди. Буни Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европада ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Савдо ярмаркалари ташкил қилиш, фитосанитар рухсатнома олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар орқали келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, атроф-муҳитни асраш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Мутасаддилар Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаларининг бориши юзасидан ахборот берди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Бу ҳаракат доирасида ҳар йили баҳор ва кузда 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу пайтгача вазирлик, идора ва ҳокимликлар томонидан 257 та "яшил боғ" барпо этилиб, уларнинг сони 517 тага етган.

Президентимиз бу хайрли ишда давлат ташкилотлари намуна бўлиши, қурилиш компаниялари ижтимоий масъулият олиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда ижро интизоми масаласи ҳам таҳлил қилинди. Йил якунигача оз қолгани, белгиланган барча вазифаларни бажариш натижадорликни ошириши қайд этилди.

Келгуси йил ҳар бир вазирлик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизимли ҳисоби олиб борилади. Бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғланади.

Бош вазирга ушбу тизимни йўлга қўйиб, ижро интизоми ва назоратини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА**

# ИЖТИМОИЙ ВА ДИНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ҳаж квотаси аввалгига қараганда 2 карра оширилди. Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж амалларини бажарди. Умра сафарларини ташкил қилиш қонуний тартибга солинди.

Соҳада малака ва илм масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқотларга замин бўлмоқда. Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Термизий ўрта махсус таълим муассасасида малакали мутахассислар тайёрланаяпти. Шунингдек, 30 минг фуқаро "Қуръони карим ва тажвид" курсларини тамомлади.

Қабристонларни обод қилиш – савобли иш. Сўнгги йилларда Абу Исо Термизий, Абу Муин Насафий, Султон Увайс Қараний, Сузук ота ёдгорлик мажмуалари обод қилинди. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом цивилизацияси марказида бунёдкорлик давом этмоқда. "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан ҳам 90 та зиёратгоҳ таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Ислом маърифатини кенг ёйиш ва тажриба алмашиш мақсадида халқаро алоқалар ҳам кенгайтирилмоқда. Жумладан, бу йил юртимизда "Ислом – эзгулик ва тинчлик дини" ҳамда "Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни" мавзуларида халқаро илмий-амалий анжуманлар, Бағрикенглик ҳафталиги ўтказилди.

Маълумки, бугун кибермаконда хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Чегаралар ва қонунларни тан олмайдиган интернет тармоқлари орқали радикал ғоялар ҳам кириб келмоқда. Бунинг оқибатида аҳолининг нисбатан заиф қатламлари, жумладан, ёшлар турли ноқонуний гуруҳлар таъсирига тушиб қолаётгани афсусланарли. Бутун жамоатчилик бундан огоҳ бўлиши, уламолар ва нуронийлар тўғри йўлни кўрсатиши керак.

Қўқон ва Марғилон шаҳарлари тажрибаси асосида маҳаллаларда "Оқсоқоллар ва ота-оналар кенгашлари" тузилгани бунда муҳим ўрин тутмоқда. Юртимиз ҳожиларининг "Янги Ўзбекистоннинг фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз" деган ташаббуси ҳам ижтимоий вазиятни яхшилашда ижобий қадам бўлди.

Бундай хайрли ишларни давом эттириб, маҳаллаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни илму ҳунарга чорлаш муҳимлиги айтилди. Мутасаддиларга ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни жамиятга қайта мослаштириш, бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Мамлакатимиздаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

***ЎзА***

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 йиллигига*



# КОНСТИТУЦИЯ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг сайловдан кейинги илк мажлисида давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратган масалалардан бири – ёш авлод ҳимояси бўлди. Президентимиз жамиятда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари кузатилаётганидан ташвиш билдириб, миллий қадриятларимизга зид бундай иллатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлигини қатъий таъкидлади.**



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1992 йил 9 декабрда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро конвенциялар ичида биринчи бўлиб, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши бунинг яққол намунасидир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 11 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколни, 2008 йил 12 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколни ратификация қилди.

Ҳозирги кунда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг мурожаат қилиш жараёнларига тааллуқли 3-Факультатив протоколига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи экспертлар даражасида ўрганиб чиқилмоқда. Мамлакатимизнинг мазкур ҳужжатга қўшилиши бўйича тегишли тайёргарлик ишлари кўрилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон болалар манфаатларига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширар экан, **"Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди"** тамойилига амал қилмоқда. Бундай ёндашув, шубҳасиз, **"Инсон қадри учун"** ғояси ҳамда **"Ҳеч кимни орқада қолдирмаслик"** тамойилига мувофиқ ўтказилган конституциявий ислоҳот руҳига тўла мосдир.

Бинобарин, айни шу конституциявий ислоҳот доирасида янги таҳрирда қабул қилинган Асосий Қонунимизга боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган илғор нормалар киритилди. Миллий қонунчилик бола ҳуқуқларига доир халқаро нормаларга тўла-тўкис мувофиқлаштирилмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, улар асосида болаларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Қабул қилинаётган қонунлар айнан **"Боланинг энг яхши манфаатлари"** принципини ҳаётга жорий қилишга қаратилмоқда.

Бугунги кунда изчиллик билан амалга оширилаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси 2020 йил 22 июнда тасдиқланган бўлиб, унинг қатор бандлари бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Миллий стратегияда, жумладан, болалар ҳимоясига бағишланган устувор йўналишлар ва болалар манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самарали жорий этиш ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Соҳага оид яна бир ҳужжат – 2020 йилда қабул қилинган **"Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун ҳисобланади. Унда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлилиги, ваколатли органлар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишда унинг фикрини, ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши белгиланган.

Янада муҳими, 2021 йил 7 декабрда қабул қилинган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга кўра, 13 ёшга тўлган шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши бекор қилинди. Жиноий жавобгарликка тортиш 14 ёшдан бошланиши ва вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог билан бир қаторда психолог ҳам қатнашиши белгиланди.

Миллий қонунчиликка 2023 йил 12 апрелда киритилган ўзгартишларга мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тарикасидаги инсонпарварлик актлари татбиқ этилмаслиги белгиланди. Қолаверса, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги даврда Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Жорий йилнинг 14 ноябрида **"Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилингани бунга яна бир яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг сайловдан кейинги илк мажлисида давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратган масалалардан бири – ёш авлод ҳимояси бўлди. Президентимиз жамиятда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари кузатилаётганидан ташвиш билдириб, миллий қадриятларимизга зид бундай иллатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлигини қатъий таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ушбу масалани шахсан ўз назоратига олди. Бу ҳам – мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигининг ўзига хос ифодасидир.

Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан, соҳадаги ислоҳотларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар Омбудсмани) лавозими жорий қилиганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Болалар Омбудсмани ҳузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилди.

Ҳозирги кунда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегияси ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этмоқда. Аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашиш каби кўпгина муҳим вазифаларни ҳам изчил амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз ўзининг халқаро мажбуриятларига, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция доирасидаги мажбуриятларига ҳамиша содиқдир. Мазкур сиёсатни такомиллаштиришда БМТ конвенциявий органлари, ЮНИСЕФ ва халқаро экспертларнинг тавсияларига катта эътибор қаратилмоқда.

Конвенция қоидаларига кўра, Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар ҳам тақдим этиб бормоқда. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига 5 та даврий ҳисобот тақдим этилди.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди. Янада муҳими, бу борада давлатнинг мажбуриятлари кенгайтирилди.

Бунда Бош Қомусимизга бола ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларига қаратилган конституциявий нормалар фуқароларимизнинг таклифлари асосида, миллий ва халқаро тажриба, экспертларнинг фикрлари, шунингдек, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида акс этган халқаро стандарт – **"Боланинг энг яхши манфаатлари"** принципини ҳисобга олган ҳолда киритилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

*● Оқлов!*

# Қарздорлик

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шунда Д.Абдуносировага кимдир "Зумрад опа сизларни алдаб юрибди, пулларингизни қолган қисмини энди ололмайсизлар" деган гапни айтади. У, ўз навбатида, бу гапни Н.Оқилова, Н. Қодиржонова,Т.Шодиева ва Н.Аҳатқуловаларга етказади. Улар биргалашиб, ички ишлар идорасига З.Ҳайитмуродова товар-моддий бойликларини фирибгарлик йўли билан алдаб олгани ҳақида ариза ёзишади...

Ортиқча харажатлардан тезроқ қутулиб, қарзларини камайтириш ташвишида юрган З.Ҳайитмуродовани терговга чақиришади. Дўкондорларнинг ҳақини еб кетиш нияти йўқлигини, қарзни қайтариш фақат бироз кечикаётганини айтса-да, гапига ҳеч ким қулоқ солмайди, унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга оширилади.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди судланувчи З.Ҳайитмуродовани Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари – 33 миллион сўм жарима жазоси тайинлайди. Мазкур иш вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида ҳам кўриб чиқилиб, 2024 йил 4 июнь кунги ажрим билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилади.

Яқинда вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очиқ суд мажлисида судланувчи З.Ҳайитмуродованинг тафтиш тартибидаги шикояти жабрланувчилар Н.Оқилова, Н.Қодиржонова, Т.Шодиева, Д.Абдуносирова ва Н.Аҳатқуловлар иштирокида кўриб чиқилди. Судлов ҳайъати суд ҳукмини бекор қилиб, З.Ҳайитмуродовага нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни ва шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Айтиш кераккки, Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига кўра, суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги **"Суд ҳукми тўғрисида"**ги 7-сонли қарори 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчининг жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги раҳбарий тушунтириш сифатида берилган.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Аммо юқорида баён қилинган жиноят ишини кўришда биринчи босқич суди ва апелляция инстанцияси суди иш бўйича қайд этилган юқоридаги қонун талаблари ва Олий суд Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган. З.Ҳайитмуродованинг айблилик масаласини ҳал қилишда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқмасдан, ишда ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқламасдан, қарздорлиги ҳақидаги далилларни уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос қилиб олишган. Ушбу далиллар З.Ҳайитмуродованинг қарздорлиги ҳолати фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тартибида исботланишига ҳам асос бўлишига эътибор қаратмасдан унга нисбатан айблов ҳукми чиқарган, деган тўхтамга келди.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган барча жабрланувчилар судланувчи З.Ҳайитмуродова келишувга кўра, устама фоизи билан қайтариш шарти билан олган товар-моддий бойликлар учун баъзи ойларда беш юз – олти юз минг сўмгача тўлаганлиги, ҳозирда қарзи қолмаганлигини айтиб, кўрсатма берди.

Ушбу ҳолатлар З.Ҳайитмуродованинг оғзаки битим ва ёзма тилхат асосидаги ўзаро олди-сотди қарз муносабатларида Н.Оқилова, Н.Қодиржонова, Т.Шодиева, Д.Абдуносирова ва Н.Аҳатқуловага тегишли бўлган мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсади бўлмаганидан далолат беради.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги **"Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"**ги қарори 8-банди мазмунини айнан келтирамиз.

Унда қайд этилишича, агар шахс ўзаро ихтиёрий ёзма битим, келишувлар (қарз шартномаси, тилхат, кафолат хати ва бошқалар) асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларини уни ижро этиш жараёнида юзага келган айрим объектив сабабларга кўра, (масалан, мулкий ночорлиги, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, оғир касаллиги, фавқулодда ҳолат туфайли) бажара олмаса ёки ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан қасд мавжудлигини исботлашнинг имкони бўлмаса, бундай ҳолатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо сифатида баҳоланиб, фуқаролик, иқтисодий суд иши юритуви тартибида ҳал этилиши лозим.




● *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 йиллигига*

# «БИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯГОНА ХАЛҚИ...»

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Унинг 1-моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деб халқаро мақоми мустаҳкамланган. 15-моддасида эса, **“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”**, деб таъкидланган.

Аслида, Конституция – лотинча сўз бўлиб, “Constitutio” – “Тизим, тартиб ўрнатиш, барпо этиш, ташкил қилиш, тузилиш, тузук”, деган луғавий маъноларни англатади. Конституция атамаси қадимги Римда “император” конституцияси номи билан дастлаб маълум бўлган бўлса, буюк Амир Темур бобомизнинг тузуклари ўз даврида шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутган.

Чунончи, Конституция халқ фаровонлиги ва инсон манфаатларининг энг олий ҳуқуқий кафолати ҳисобланиб, жамият ҳаётини шакллантириш ва давлатни ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар замонавий Конституциянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Эътироф этиш керакки, Конституциямиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинганидан бошлаб давлатимиз шаклланиши ва жамият ривожи учун чинакам ҳуқуқий пойдевор сифатида хизмат қилди. Бу суронли йилларда Ўзбекистон давлати тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Жамият равнақига мос равишда Конституциямизга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келган ҳолда халқимизга хизмат қилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда том маънода янги давр бошланди. Янги Ўзбекистонда инсон қадри юқори поғонага кўтарилди, халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши қатъий белгиланди. Энди Конституциямиздаги баъзи нормаларни такомиллаштириш, бугунги кун талабларига мослаштиришни замон тақозо этганлиги сабабли 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда халқимиз томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

2023 йил 1 майдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янгиланди. Конституцияга бир неча муҳим ўзгартишлар киритилди.

Бунга қадар 1992 йилдан буён Конституциямизга жами 15 марта ўзгартиш киритилган. Бу сафар эса, ўзгаришлар кўлами катталиги сабабли, ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида Бош Қомусимиздаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса, 275 тадан 434 тага ошди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги **“Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-67-сон Фармонида Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, устувор конституциявий принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда руёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши белгилаб берилди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги **“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарори судлар томонидан чиқарилаётган қарорларда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш юзасидан тушунтириш берадиган муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур Пленум қарорида Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туриши эътиборга олиниб, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва зарур ҳолларда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги юзасидан муҳим тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Пленум қарорида суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида, биринчи навбатда, қоида тариқасида Конституциянинг тегишли нормалари ва ундан кейин юридик кучига қараб, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилиши, башарти, соҳавий қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланса, фақат Конституция нормалари қўлланилиши лозимлиги қайд этилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилган янги, замонавий ва муҳим нормалар ҳаётга изчил татбиқ этилиши, хусусан, судлар томонидан ана шу конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда янги даврни бошлаб берди.

Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига қаратилганлиги, Янги Ўзбекистон ўзининг ушбу соҳалардаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқлигини намоён этди. Янги таҳрирдаги Конституцияга “Хабеас корпус” институти ва “Миранда қоидаси”нинг қонунчилигимизда жорий этилиши ва мустаҳкамланишига хизмат қиладиган қатор нормалар киритилди.




Жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган шахснинг адолатли суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқини ифода этадиган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бу нормалари қонунларимизда аввалдан мавжуд эди. Эндиликда улар конституциявий қоида сифатида мустаҳкамланди.

Хусусан, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам конституциявий қоида сифатида жой олди.

Шунингдек, Конституциямизнинг сиёсий ҳуқуқлар белгилаб берилган 8-бобига барча фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгалиги, давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланиши ҳақидаги янги норма киритилганлиги ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Қолаверса, Конституциямизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар белгилаб берилган 9-бобга 47-модда киритилиб, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Зеро, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади, деб мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур норма хусусий мулкнинг ҳимоясини Конституция доирасида ҳимоя қилинишини кафолатлаш билан бир қаторда, Конституциямизнинг 31-моддасида кўрсатилган “Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга”, деган муҳим қоидани ҳам мустаҳкамлаган.

Шу билан бирга, Конституциямизнинг 67-моддасига кўра, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Қонунчиликка мувофиқ, тадбиркор ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолиятини мустақил равишда танлашга ҳақли.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасида ҳудудий иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг ҳаракатланиши кафолатланади. Айни шу қоидалар, халқ фаровонлиги ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган, тадбиркорлар ва уларнинг ҳимоясини таъминлайдиган, давлат органларининг бу борадаги масъулиятини оширадиган конституциявий қоидалардир.

Хусусан, Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилиниб, амалга киритилган даврдан буён ўтган вақт мобайнида Тошкент вилояти судлари томонидан барча инстанцияларда кўриб тамомланган жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича чиқарилган жами 6 минг 534 та суд қарори, шу жумладан, ҳукм, ажрим ва ҳал қилув қарорларида Асосий Қонунимизнинг нормалари тўғридан-тўғри қўлланилган бўлиб, шулардан 4 минг 225 таси — жиноят, 1 минг 185 таси — фуқаролик ва 1 минг 124 таси — иқтисодий ишлар бўйича суд қарорларини ташкил этган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Конституциямизга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, давлатнинг халқ олдидаги масъулияти, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган маъёрларининг конституциявий қоида сифатида сингдирилиши ҳамда судлар томонидан Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилишининг татбиқ этилиши жонажон юртимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъминлайдиган муҳим янгилик бўлди.

**Дилшод ТАДЖИБАЕВ,**
*Тошкент вилояти суди раиси*

# ҳақидаги далиллар

## асоссиз айбловга сабаб бўлгани ҳақида



Худди шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 10-бандида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкини эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан, тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилади, деб алоҳида кўрсатиб ўтилган. Қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 168-моддасида, жиноят объектив томонининг зарурий белгиси алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш ҳисобланиши кўрсатилган. Субъектив томондан фирибгарлик фақат тўғри қасд орқали содир этилади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай қилмиш тўғри қасддан содир этилган деб топилиши Жиноят кодексининг 21- моддаси 3-қисмида белгилаб қўйилган.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўриниб турибдики, қонун мазмунига кўра, З.Ҳайитмуродованинг ҳаракатларини фирибгарлик сифатида малакалаш учун Н.Оқилова, Н.Қодиржонова, Т.Шодиева, Д.Абдуносирова ва Н.Аҳатқулованинг мулкини олиш чоғида уларни ўзлаштириш нияти, мақсади бўлиши лозим эди.

Ишда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, З.Ҳайитмуродова исм-шарифлари тилга олинган фуқаролар билан ўзаро ихтиёрий битим тузган ва уларнинг маҳсулотларининг бир қисмига олдиндан, қолган қисмига эса, муайян муддатга бўлиб-бўлиб пул тўлашга келишган. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини қисман бажарган. Уни ижро этиш жараёнида, оилавий шароити туфайли, ўз муддатида қисман бажара олмагани сабабли ўртада низоли муносабат келиб чиққан.

Судланувчининг Н.Оқилова, Н.Қодиржонова, Т.Шодиева, Д.Абдуносирова ва Н.Аҳатқуловадан нарса-буюмларни устига 15-20 фоиз қўйилган нарх асосида пулини ойма-ой бўлиб тўлаш шарти билан олдиндан бир қисмини тўлаган ҳолда сотиб олиб, кейинги мажбуриятларини ойма-ой бажариб, маълум муддат, оилавий шароити туфайли, мажбуриятларини қисман бажара олмаганлик ҳолатида фуқароларнинг ишончига кирмаган, алдамаган, уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаган.

Тергов органи ва судлар З.Ҳайитмуродовани Жиноят кодексининг 168-моддаси билан айблаш учун унинг қилмишида ушбу жиноят таркиби зарурий белгиси, объектив томони, яъни ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсади, субъектив томони тўғри қасднинг мавжуд эмаслигига эътибор қаратмасдан, асоссиз айблаган.

Тафтиш инстанцияси суди юқоридаги асосларга кўра, З.Ҳайитмуродовага нисбатан чиқарилган суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли ҳамда уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айблаб бўлмайди, деб ҳисоблади.

Бинобарин, Зумрад Ҳайитмуродованинг тафтиш тартибидаги шикояти қаноатлантирилди. Унинг ҳаракатларида Жиноят кодекснинг 168-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли у Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан, айбсиз деб топилди ва оқланди.

Мухтасар айтганда, Жиноят процессуал кодексига тафтиш тартибида иш юритиш институтининг киритилгани, гувоҳи бўлганингиздек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда, тафтиш инстанцияси суди биринчи босқич ҳамда апелляция инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилишини таъминламоқда.

Дарвоқе, оқлов ҳукмидан кўнгли ёришган З.Ҳайитмуродова мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали адолатли ҳимоя қилинаётганидан бениҳоя мамнун бўлди.

**Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,**
*Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*“Куч – адолатда” мухбири*

Мезон



# Бола ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатли ҳимояси

## *бу борадаги ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Чунончи, Бош Қомусимизнинг 78-моддасига биноан, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Бинобарин, мамлакатимизда болаларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Бироқ айни пайтгача болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноий қилмишлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмаганлиги бу борада жиддий муаммо бўлиб келаётганди.

Президентимиз томонидан 2024 йил 21 октябрда имзоланган **“Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун ана шу бўшлиқни тўлдирди. Мазкур қонун асосида Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда бу ҳақда батафсилроқ фикр юритадиган бўлсак, Жиноят кодексининг $126^1$-моддаси **“Оилавий (маиший) зўравонлик”** дея номланиб, айни жиноят учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Янги қонун асосида ушбу қисмдаги **“шахсни ёки”** деган сўзлар **“шахсни ёки болани, шунингдек”** деган ибора билан алмаштирилди. Шунингдек, юқоридаги модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларига ҳам худди шундай ўзгартишлар киритилди.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг **“Ярашув тўғрисидаги ариза”** дея номланган 583-моддаси биринчи қисми эса, **“Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришидан олдин берилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно”** деган таҳрирда баён қилинди. Айнан мазкур модда янги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришидан олдин берилиши мумкин.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $59^2$-моддасига биноан, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, оилавий (маиший) зўравонликка қўл урган шахс жавобгарликка тортилади. Шу модданинг иккинчи қисмида “Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади” дея қайд этилган. Айнан шу қисмдаги **“шахсни ёки”** деган сўзлар **“шахсни ёки болани, шунингдек”** деган сўзлар билан алмаштирилди. Шу боис фуқаролар, айниқса, қаҳри қаттиқ ота-оналар жамиятимизда эндиликда болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланганини унутмасликлари керак.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, кундалик ҳаётимизда болаларга нисбатан зўравонлик қандай омиллар туфайли юзага келади?

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, баъзи оилаларда ота, она ёки катта ёшдаги бошқа шахслар томонидан қўл остидаги болаларга нисбатан текин хизматкор сифатида қараш ҳолатлари учраб туради. Бу ҳам етмагандек, хушмуомалалик билан айтиш ўрнига буйруқ бериб, болаларни сўзсиз итоат этишга мажбурлашга уриниш ҳолатлари тез-тез содир этилади. Боланинг эса, бундан кўнгли ранжиб, гапимизни икки қилади ёки айтганимизни бажармайди. Ваҳоланки, боланинг қалби жуда беғубор бўлиб, ўзига нисбатан қилинган қўполлик ёхуд тазйиқни сира ҳазм қилолмайди. Бинобарин, боланинг қалбидаги ана шу беғуборлик ва самимийликни асраб-авайлаш, унга ҳамиша дўстона муносабатда бўлган ҳолда миллий қадриятларимиз ва шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига, миллий ўзлигимиз тутумларига хос тарзда тарбиялаб, улғайтиришимиз шарт. Натижани эса, кўп ўтмай кўз ўнгимизда хушмуомала, ростгўй, самимий, ҳамфикр, оқилу оқила йигит-қизлар пайдо бўлганда кўрамиз.

Зеро, бугун биз фарзандларимизга муносиб тарбия берсак – эртанги тинч-осойишта ҳаётимизга салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

**Шуҳрат БАКАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди раиси*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# ҚАЛБАКИЧИЛИК ва сохтакорлик

## *судланувчининг юзини шувут қилди*

***Ҳаётда ҳалол фаолият юритиб, рўзғор тебратган одам ҳамиша қадру эъзоз топади, катта-кичик орасида иззат-ҳурмат қозонади, қолаверса, топган-тутгани баракали бўлади. Афсуски, ҳаётда ҳалолликдан чекиниб, қинғирликни касб қилиб олган кимсалар ҳам учраб туради.***

***Мисол тариқасида айтсак, Турдибек Даминов (исм-шарифлар ўзгартирилди) яқинда қалбакичилик ва сохтакорлик йўли билан давлат бюджети маблағларини талон-торож қилганлиги учун қонун олдида жавоб берди.***

**(Давоми 4-бетда)** ▶




◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Амир Темур етти йиллик сафаридан, яъни Шом ва Рум юришидан қайтганида, Кастилья элчиси Руи Гонсалес Клавихога Оқсаройни кўрсатади. Элчи бу саройни кўриб, ҳайратда қолади ва эсдаликларида бундай ёзади: **“Муҳташам саройга баланд дарвоза орқали кирилади. Бинонинг кўринарли ерлари расмлар билан безатилган. Бутун ҳужралар ва хоналар олтин билан ишланган. Буларни ким кўрса ҳам, ҳайратга тушади. Сарой ичида шинам ҳовузлар, оромгоҳлар, турли дарахтлар ўсган кўркам майдон бор. Бу обида шунчалар чиройли ва муҳташамки, таърифига тил ожиздир.”**

Аркнинг баландлигини эллик метр, оралиғини йигирма икки ярим метр ва минорасининг юксаклигини етмиш тўрт метрдан юқори дейишади. Тарихий манбаларга кўра, Оқсарой қурилишида ўттиз минг ишчи ва йигирма минг уста заҳмат чеккан. Уларга олти юз қозонда овқат пиширилган.

Амир Темур Бухорони ҳам, Самарқанд ва Кеш каби, гўзал бинолар билан безади. Чунки Бухоро онасининг шаҳри эди. Невараси Мирзо Улуғбек хотираларида бундай дейди: **“Рум сафарига чиққан бобом Бухоро шаҳрига яқинлашганида отидан ерга тушди. Шаҳарга пиёда юриб кирди. Бу унинг суюкли онасига ҳурмати эди, болалик ҳақи эди. Бухоро унинг учун Бухоро эмас, Бухоройи шариф эди”.**

Яна бир улкан обида – Амир Темур Туркистонда қурдирган Аҳмад Яссавий мақбарасидир. 1397 йилда қурила бошланган мақбара фаслма-фасл, Амир Темур вафотига қадар тиклана борган. Улкан бир қубба, икки минора ва жуда кўп катта-кичик хонаю ҳужралар, ёруғ гумбазлардан иборат бу муҳташам обида буюк мутасаввиф Аҳмад Яссавий хотирасига Амир Темур қанчалар ҳурмату эҳтиром кўрсатганининг ёрқин исботидир. Шуниси диққатга сазоворки, мақбара ичига маҳаллий дарвиш ва зиёратчи мусофирлар учун мўлжалланган алоҳида иморатлар ҳам қурилган.

Амир Темурдан сўнг унинг тахтига ўтирган авлодлари ҳам Соҳибқироннинг шаҳарсозлик борасидаги ишларини давом эттирган ва кенгайтирган. Самарқандда невараси Мирзо Улуғбек қурдирган, Амир Темур дафн этилган мақбара ҳам шоҳона қасрдир. Бу шаҳарда тепаликка қурилган Шоҳизинда мақбаралари ҳам XIV–XV асрлардан мерос нодир ёдгорлик ҳисобланади.

Самарқанд, Тошкент, Ҳирот, Хива ва бошқа шаҳарларда темурийлар даври меъморий салоҳиятини кўрсатувчи масжид, мадраса, сарой, ҳовузу сардобалар жуда кўп.

Соҳибқирон бу иншоотларни бунёд эттирар экан, кимки куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган биноларни кўрсин, деган экан.

Ўзбек тилидаги тарихий манбаларда қуйидаги ривоят ҳам мавжуд:

“Амир Темур невараси Улуғбек қўлидан тутиб, жума намозини ўқиш учун Бибихоним масжидига борибди. Намоздан кейин масжидни айланиб, томоша қилиб, зина орқали майдонга чиқишибди. Соҳибқирон юксакдаги майдонда туриб, қаршисидаги шаҳарга, узоқдаги кўм-кўк боғ-роғларга қарабди. Ҳаяжонга тушиб, сурурли бир товушда неварасига бундай дебди: “Улуғбек, вақти келиб сизлар ҳукмрон бўлганингизда, мана шундай хайрли ишларни бажаргайсиз, иншооллоҳ. Аммо шуни унутмангки, қурадиган биноларингиз дунёда тенги йўқ салтанатимиз ҳайбатини кўз-кўз қилар даражада муҳташам бўлсин. Бу обидалар келажак авлодларимизга бизнинг ким эканлигимизни кўрсатувчи далолатдир”.

**ТИЖОРАТ**

Амир Темур деҳқончилик, тижорат, яъни иқтисодга алоҳида эътибор берган. Мўғуллар босқини йилларида мамлакат иқтисоди издан чиққан, экин далалари ва савдо йўллари, кўприклар бузиб ташланган, карвонлар қатнови тўхтаб қолган эди.

Амир Темур тахтга ўтиргач, даставвал кўрган чора-тадбирларидан бири — мамлакатда савдо-сотиқ эмин-эркин юритилиши ва ривожланиши бўлди. Бунинг учун у катта йўллар четида, бир кунлик манзилда, тахминан, ўн бир чақиримда карвонсарой ва от алмаштирувчи муассасалар қурдирди. Карвонсаройларда дам олиш учун шароит яратилган эди. Узоқ саҳролару дала-даштлардан ўтиб келаётган йўловчилар чанқоғини қондириш учун ғиштдан тикланган сардобалар мавжуд эди.

Карвонсаройларда ички ҳовлилар, дўконлар бор эди. Баъзи карвонсаройлар фақат савдогарларга мўлжалланган, от ва бошқа ҳайвонлар учун алоҳида оғиллар барпо этилган эди.

Клавихонинг таъкидлашича, Амир Темур халқни доимо савдо билан шуғулланишга чақирган. Тужжорларни муҳофаза қилиш Шоҳрух даврида ҳам сақланиб қолган. Табриз ва Султониянинг тужжорий донғи бутун темурийлар салтанатига тарқалган. Султония халқаро савдо шаҳри мақомига эга бўлган. Шунингдек, жанубдаги Ҳурмуз ҳам савдо шаҳри сифатида донг таратган.

Амир Темур тижоратнинг тараққийси учун бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорларига махсус мактублар йўлларди. Савдогарларни қўриқлаш борасида фармонлар чиқарарди. Улар учун энг керакли нуқталарда карвонсаройлар қурдирарди. Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур 1402 йилда қирол Чарльз Тўртинчига мактуб юбориб, француз тужжорларини Самарқандга даъват этган, уларга эътибору эҳтиром кўрсатилишига сўз берган. Шунинг баробарида Францияга бораётган Туркистон савдогарларига ҳам яхши муносабат кўрсатилиши, турли текширишлар ўтказилмаслиги ва зўравонлик қилинмаслигини сўраган. Қирол Чарльз Тўртинчи бу талабларни қабул қилганини билдириб, мактуб жўнатган.

Айни чоғда Англия қироли Ҳенри Олтинчи ҳам Амир Темурдан шундай мазмунда мактуб олган. У ҳам ижобий жавоб йўллаган. Чунки Темурнинг ўғли Мироншоҳ Табриз ва Бағдодда насронийларни муҳофаза этгани, улар эркин савдо қилиши учун кенг йўл очиб бергани Англия қиролига маълум эди. Зотан, Самарқандда “фаранг” деб аталган газмоллар сотилгани бу фикрнинг далилидир.

Самарқандда тижорат фақат бозорлар, дўконларда эмас, балки карвонсаройларда ҳам юритилганки, бу савдонинг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Моворауннаҳр пойтахтида кўплаб тўқимачилик корхоналари ҳам бўлган, у жаҳоннинг турли мева-чеваларию зираворлари сотиладиган марказ ҳам ҳисобланган. Шу боис иқтисодий фаолият муттасил кенгая борган, шаҳар бойигани сайин эски бозору савдо расталари янгиланиб, савдо ҳажми ўсган. Савдо йўлларида янгидан-янги карвонсарой-работлар тикланган. Султония шаҳри бош роҳиби Доминикли Жаннинг ёзишича, шаҳардаги ўғирлик ва нотинчликларга шаҳар ҳокими жавобгар эди. Ўғирлик ва нотинчлик юз берса, аввало, ҳоким ва бошқа масъул шахслар жазо оларди. Чунки босқинчи ё талончилар шаҳар қўриқчилари билан келишмаса, бундай ишларга журъат этиши даргумон эди. Ана шундай тартиб сақлангани боис етарли муҳофаза муҳити яратилганди. Тужжорлар юртлараро карвонларини эмин-эркин юритар, ҳар қандай ўлкага бешикаст етиб борарди.

Бир ривоятга кўра, Амир Темур икки мансабдорни ҳузурига чақиртиради. Бирига шундай дейди: “Сизни бугундан эътиборан мансабингиздан бўшатдим. Ўтган жума куни ҳам масжид олдида ўтирган кексалар қаршисидан отдан тушмасдан, салом бермай, кибрланиб ўтиб кетдингиз. Қабристон ёнидан ҳам шунақа қилиб ўтдингиз. Бизга ўликларию тирикларини бирдай ҳурмат қилмай, аксинча, уларнинг шаънини ерга урадиган раҳбарларнинг кераги йўқ. Бу хатти-ҳаракатингиз билан ўзингизга ҳам, давлату ҳукуматимиз шон-шарафига ҳам зарар келтирдингиз. Энди, яхшиси, тавозе билан ўзингизни тарбия қилинг, кейинроқ бу масалага яна қайтамиз”.

Иккинчи мансабдорга Амир Темур бундай дейди: “Сизнинг ҳаракатларингиз эгаллаб турган мансабингиздан анча пастда қолди. Мақомингизга лойиқ ишлай олмадингиз. Берилган топшириқларни етарлича удда қилолмадингиз. Шу сабаб сизни ҳам ишдан бўшатдим”.

Демак, мансабдорлардан бириси ҳаддидан ошгани, иккинчиси эса, мақомига мос иш юритолмагани учун рутбаларидан олинган.

Амир Темур ана шу тарзда барча мансабдорлар фаолиятидан хабардор бўлиб турган. Махсус одамлари воситасида ўлканинг ҳар бир бурчагидаги ҳолатдан воқиф эди, қисқа вақтда унга энг муҳим хабарлар етиб келарди. Ана шундай тадбиркорлиги, уддабуронлиги боис мамлакат ишончли қўлларда бўлган, бошқарув тизими соатдай аниқ ишлаган.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Турк тилидан Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси**

## Қизиқарли ФАКТЛАР

***Ҳаётда ноёб қобилият эгаси бўлган инсонлар юксак фазилатларини турмушнинг барча жабҳаларида намоён қилаверадилар. Мисол тариқасида айтсак, Франц Кафка улкан истеъдод соҳиби сифатида жаҳон адабиётида тенгсиз ўрин тутади. Қуйида биз ёзувчининг ижоди ҳақида эмас, балки кўпчиликка ибрат бўладиган инсоний фазилати ҳақида ҳикоя қиламиз.***




Буюк адиб қирқ ёшида ҳам ҳали уйланишга улгурмаган эди, аммо унинг болаларга меҳри баланд эди. Бир куни адиб Берлин шаҳридаги катта хиёбонда сайр қилиб юрганида, йиғлаб турган қизчага кўзи тушади ва уни эркалаб овутаркан, нега йиғлаётганини, ким хафа қилганини сўрайди. Шунда қизча йиғлаб туриб, ўзи яхши кўрадиган қўғирчоғини йўқотиб қўйганини айтади. Шунда адиб унга йўқотиб қўйганидан ҳам чиройлироқ қўғирчоқни дўкондан сотиб олиб беришини, бунинг учун йиғлаши шарт эмаслигини айтади. Лекин қизча бунга кўнмайди, у йўқолган қўғирчоғини яхши кўришини, ундан бошқаси керак эмаслигини айтиб, оёқ тираб туриб олади. Буни кўриб, адиб қизчани овутишнинг бошқа йўлини ўйлаб топади, уни меҳр билан етаклаб, йўқолган қўғирчоғини излашга тушади. Улар йўқолган қўғирчоқни узоқ излашади, аммо у ҳеч қаердан топилмайди. Буни кўриб, қизчанинг ҳам чиройи очилмайди, Адибнинг эса, уни шундай аҳволда қолдириб кетишга кўнгли бўлмайди.

Қизиғи шундаки, адиб шунча қимматли вақтини беҳуда сарф этганига ачинмайди, аксинча, эртасига яна бирга қўғирчоқни излашга ваъда беради.

Эртаси кун эрталаб учрашар экан, адиб қизалоққа ғалати янгилик айтади: нима эмиш, унинг йўқолган қўғирчоғини узоқ бир манзилда тасодифан учратиб қолибди, қўғирчоқ қизчага бир хат бериб юборибди. Аслида, буни адиб қизчанинг кўнглини кўтариш учун ичидан тўқиб айтганди. Буни қарангки, унинг сўзларини эшитиб, қизча бирдан суюниб кетади ва “Қани ўша хат?” — деб сўрайди. Адиб эса, худди шуни кутиб тургандек, дарҳол чўнтагидан хатни олиб, ўқишга тушади: “Илтимос, хафа бўлиб, йиғламагин. Мен дунёни томоша қилиш учун узоқ сафарга отландим. Саёҳатим давомида кўрган-кечирган ажойиб саргузаштлар ҳақида сенга ёзиб тураман”.

Қизалоқ қўғирчоғи “ёзган” бу хатга чиппа-чин ишонади ва шунчалик қувонадики, юзлари ёришиб, кўзлари чақнаб кетади.

Шундан сўнг адиб билан қизча ўртасида жиддий мулоқот бошланади. Франц Кафка ҳар куни қўғирчоқ “ёзиб жўнатган” хатни қизалоққа ўқиб берар, у эса, ўзида йўқ хурсанд бўларди. Қизалоқ қўғирчоғидан хат келишини шунчалик сабрсизлик билан кутадики, ҳар куни учрашув жойига адибдан ҳам олдин етиб келади.

Қисқаси, кунлар шу тарзда бир-биридан қизиқарли бўлиб ўтаверади. Ниҳоят, қарийб бир хил тўқима воқеалардан зерикадими ё бошқа сабабданми, адиб кутилмаганда хатога йўл қўяди: у қизалоққа янги қўғирчоқ тақдим этаркан, қўғирчоғи узоқ сафардан атай уни кўргани қайтиб келганини айтади. Аммо зийрак қизалоқ бу ўша, йўқолган қўғирчоғи эмас, бутунлай бошқаси эканини дарров сезади ва хархаша қилганча, йўқолган қўғирчоқни топиб беришни талаб қилади.

Адабиёт аталмиш улкан ва бемисл даргоҳнинг катта аудиториясида ўз иқтидори ва салоҳияти билан катта ижодий янгилик ярата олган Франц Кафка шундай ҳолат рўй беришини олдиндан билган ва тайёргарлик кўриб қўйганди. Қизча ўзимнинг қўғирчоғимни топиб беринг, дея хархаша қилишга тушганини кўрган адиб дарров чўнтагидан қўғирчоқнинг навбатдаги “хати”ни чиқаради-да, ўқишга тушади: “Узоқ саёҳатлар давомида мен жуда ўзгариб кетдим. Бирдан танимаслигингни ўзим ҳам билгандим. Мен ўша қўғирчоғингман”.

Қўғирчоқнинг “хати” қизалоққа адиб кутганидан ҳам кучли таъсир қилади. У қўғирчоқни маҳкам қучиб бағрига босади-да, қулоғига алланималардир деб шивирлайди, сўнг шодон қийқириб уйи томон чопиб кетади. Шу билан буюк адибнинг ҳали мухлисига айланиб улгурмаган норасида таниши билан ғаройиб учрашувлари поёнига етади. Бир йилдан сўнг, яъни 1924 йили Франц Кафка дунёдан ўтади.

Орадан кўп йиллар ўтгач, ўша қўғирчоғига тенгсиз меҳр қўйган қизалоқ эртакчи бувига айланади: энди бу қўғирчоқни унинг невараси ўйнарди. Нима бўладию, бир куни қўғирчоқнинг биқини йиртилиб кетади. Қарасаки, унинг ичида ҳафсала билан майда букланиб, жойлаштирилган қоғоз бор экан: уни олиб, очиб кўрса — хат экан. Бу — буюк ёзувчи, “Менинг бирдан-бир касбим адабиётдир... Менинг бор-йўғим адабиёт, холос!” деган машҳур эътироф муаллифи Франц Кафканинг сўнгги мактуби эди. Унда шундай сўзлар битилган эди: “Ҳаётда нимага меҳр қўйсанг, вақт-соати келгач, уни албатта, бой берасан, аммо бу меҳр буткул йўқолиб кетмайди, балки кунлардан бир кун ўзга бир қиёфада рўпарангдан пешвоз чиқади”...

***Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.***

*Жиноятга жазо муқаррар*

## ҚАЛБАКИЧИЛИК ва СОХТАКОРЛИК




◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Афсусланарли томони шундаки, Т.Даминов биринчи марта бундай жиноий қилмишга қўл ураётгани йўқ. Оилали, 3 нафар гулдай фарзанднинг отаси бўлса-да, ўрта-махсус маълумотли бу “шоввоз” давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятларини муқаддам ҳам уч марта содир этиб, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани, Каттақўрғон шаҳри, Қўшработ тумани судларининг ҳукмлари билан жазога тортилган. Т.Даминов ҳар сафар қилмиши учун озодликдан маҳрум қилинишини ўйлаб, талон-торож этилган маблағлар ўрнини қоплаган. Шу боис қонунларимиздаги инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари боис унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Нафс измига кирган Т.Даминовнинг бу галги қилмиши тафсилоти шундай: каттақўрғонлик тадбиркор Ф.Сувонқулов “Н.Н.Н” масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, давлат рўйхатидан ўтказади ва уни бошқаришни қариндоши Т.Даминовга топширади. Аммо Т.Даминов ўзига билдирилган ишончни ҳалол меҳнати билан оқлаш ўрнига ноқонуний даромад топиш йўлига киради.

Президентимизнинг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Халқ депутатлари Нарпай тумани кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги VI-71-617-98-К/23-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ва “Н.Н.Н” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги битимга биноан, давлат бюджети улуши ва хусусий шерик улуши тенг ҳолда 4 миллиард 164 миллион 903 минг 642 сўмдан, жами 8 миллиард 329 миллион 807 минг 283 сўмлик иш бажарилиши лойиҳалаштирилади. Лойиҳага кўра, тумандаги 51 та давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимлари давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиниши керак эди.

Кўпни кўрган, бой ҳаёт тажрибасига эга кексалар таъкидлаганидек, қалбакичилик ва сохтакорлик билан бошланган иш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмаган. Буни таъкидлашган мақсад шуки, Т.Даминов ҳам ишни сохтакорликдан бошлайди. Битим ва бошқа расмий ҳужжатларга масъулияти чекланган жамиятининг расмий раҳбари Ф.Сувонқуловнинг имзоларини сохталаштириб қўяди.

Аниқроқ айтганда, Т.Даминов ижтимоий соҳа объектларининг ички қисмларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати давомида зарурий иссиқлик ҳароратини етказиб бериш, иситиш учун меъёр бўйича талаб этиладиган кўмир ва электр энергияси харажатларини камида 20 фоизга, иссиқлик энергияси йўқотишларини 30 фоизга камайтириш каби вазифаларни ўз зиммасига олганди. Шунингдек, республикамизда камида бир йил давомида синовдан муваффақиятли ўтган ва хизмат қилиш кафолати камида 15 йилни ташкил қиладиган қозонларни ўрнатиши ва унинг сифатини кафолатлаш, шунингдек, яроқсиз ҳолатга келган иситиш қозонларини янгилаш, умуман, лойиҳани муддатида амалга ошириш чораларини кўриши керак эди.

Афсуски, амалда бундай бўлмайди. Т.Даминов ўзига мансабдор шахс ваколатлари берилганлигидан қасддан фойдаланиб, объектларда, яъни Нарпай тумани 62-сонли умумтаълим мактабида — 33 миллион 360 минг 435 сўмлик, 66-сонли умумтаълим мактабида — 27 миллион 210 минг 566 сўмлик, 61-сонли умумтаълим мактабида — 24 миллион 256 минг 785 сўмлик, 9-сонли умумтаълим мактабида — 7 миллион 059 минг 652 сўмлик, 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида — 27 миллион 785 минг 882 сўмлик, 35-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида — 26 миллион 451 минг 158 сўмлик, 19-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида — 26 миллион 291 минг 064 сўмлик, 42-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида — 22 миллион 830 минг 124 сўмлик ва 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида — 22 миллион 484 минг 794 сўмлик, жами 217 миллион 730 минг 461 сўмлик модернизация ишлари бажарилмаган бўлса-да, гўёки, уларнинг бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган шакл — 1,2,3-сонли ҳисоб-фактураларни тайёрлайди.

Мазкур қалбаки ҳужжатларнинг сохта эканлигини билгани ҳолда, уларни туман Иқтисодиёт ва молия бўлимига тақдим этиб, масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамига 4 миллиард 164 миллион 903 минг 642 сўм маблағни ўтказишга эришади.

Нарпай тумани прокуратурасининг 2024 йил 28 январдаги 10.6/-24-сонли хатига асосан, мутахассислар томонидан тумандаги 1-лот таркибига кирувчи 51 та бюджет муассасаларининг иссиқлик тизимини модернизация ва эксплуатация қилиш бўйича назорат ўлчови ўтказилганда, Т.Даминовнинг ғайриқонуний қилмиши фош бўлади.

Судда ушбу жиноят ишини мазмунан кўриш жараёнида давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши, шунингдек, ижтимоий объектларга куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотлари захирасини яратиш ва сотиб олиниши ҳолати бўйича Нарпай туман Иқтисодиёт ва молия бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш маълумотномалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари, 2024 йил 1 июлдаги Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси ходими томонидан ўтказилган текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан Т.Даминовнинг айби тўлиқ ўз исботини топди.

Маълумки, давлат бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож этганлик учун Жиноят кодексининг 167-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу модданинг 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган. Шу боисдан суд судланувчи Т. Даминовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси билан айбдор деб топди ва унга нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгилади.

Гувоҳи бўлганингиздек, нафс измида қалбакичилик ва сохтакорлик йўли билан давлат бюджети маблағларини талон-торож этган кимса қонун олдида жавоб берди. Энг ёмони, у қариндош-уруғ, маҳалла-кўй олдида юзшувут бўлди. Бу билан демоқчимизки, ишониб топширилган ёки ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш оқибати бундан бошқача тугамаслиги яна шундай кайфиятга мойил кимсаларга сабоқ бўлиши лозим.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани суди раиси*

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:** Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3935
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $22^{30}$.